

Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига қўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуг ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 1997 йил 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, ОАВ вакиллари билан бўлган учрашувдаги нутқидан.

Mustaqillik huquq demakdir

33

(400)

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

August

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ E-mail: Info@huquq.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**П.Р.Бобожоновни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш
департаменти бошлиғи этиб тайинлаш тўғрисида**

Пўлат Раззоқович Бобожонов – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 11 август

BOSH MUHARRIR MINBARI

400 - Bekam

Мухтарам газетхон дўстим!

Бугун «Huquq» газетасининг 400-сон қўлингизга тегмоқда. Газета 1997 йилнинг 27 августидан бошлаб 400-март сизнинг қалб хонадонингиз қўнғирогини чалиб, кўнгил мулкингизга кириш ва унда яшаб қолиш учун ижозат сўради ва сўрамоқда. У ўз олдида қўйган мақсадига қай даражада эриша олди, деган саволга жавоб берадиган фурсат келди. Умр йиллари ўнлик, юзлик ва мингликлар ҳисоботида жамланиб, тафтиш қилинади. Ва биз буни «юбилей» деб атаймиз «Huquq»-нинг 400-сон ҳам унинг ўз ўқувчилари ҳузуридаги ҳисобот юбилейидир.

Газета юртбошимиз 1997 йил 20 май куни бир гуруҳ ҳуқуқшунослар ва журналистлар билан учрашувда тилга олган «мустақиллик бу ҳуқуқдир» деган ғоянинг мазмун-моҳиятини осмага етказиш мақсадига ташкил этилган эди.

У пайтда «Huquq» деган сўзнинг ўзини айтишга тил ўнчалик қовшумас, унинг ёнига бирон баландроқ ва жарангдорроқ сўзни қўшмасак, газетанинг мақсадига оҳанг сустроқ бўлиб қоладигандай туюлар эди. Аслида у даврда жамиятнинг ўзи «Huquq» тушунчасини англаш, уни ҳимоя қилиш ва такомиллаштириш жараёнини бошидан кечириётган эди.

Кўп ўтмай «Huquq»-қа эргашма сўзлар қўшилган номларда бир нечта янги нашрлар пайдо бўлди. Худди адролат ва ҳақиқат сўзлари каби «Huquq» сўзи ҳам бугунги кунда жамиятимиздаги тадрижий ривожланишлар, суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилаётган шиддатли ислохотларга ҳамоҳанг равишда жарангдор, сеvimли ва суюмли бўлиб қолди. Бунда «Huquq» газетасининг ўзига яраша хизмати борлигини юбилей баҳонасида мамнуният билан тилга олишимиз мумкин.

Ўтган давр мобайнида жамиятимизда ҳуқуқ тушунчасини англашдан, яъни ҳуқуқий билимлар билан қуролланишдан, шу билимларни ҳаётга татбиқ этиш, амалда қўллаш сари жуда катта бурилиш юз берди. Фуқароларимиз энди қонунларимизда кафолатланган ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам жуда илгарилар кетдилар. Бу «Huquq» газетасининг, умуман қонун ҳимоячиларининг ихтиёри катта ютуғидир.

Асосан ёшлардан иборат «Huquq» газетаси тахририяти жамоаси ижодий изланишларда тобланиб ва ўз мактабини яратишга муваффақ бўлди. Бугун журналистларимиз ҳуқуқ соҳасига ихтисослашибгина қолмасдан, ўз сафларини Жаҳонгир Шарофбоев, Дониёр Халилов, Жаҳонгир Мақсумов, Тоҳир Саидбобоев каби ҳуқуқшунос-журналистлар билан мустақамлаб олдилар. Уларга танглик ҳуқуқшунос олим, Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист Абдулла ака Давлетов етакчилиги қилмоқда. Қисқа вақт ичида биз ихтисослашган журналист кадрлар захирасини яратишга муваффақ бўлдик. Улар Бош прокуратура ҳузуридаги прокурор-тергов ходимлар малакасини ошириш Марказида ташкил этилган курсларда саноудан ўтказилди. Бухоролик Моҳира Шакароева, Лолахон Мансуроева, қашқадарёлик Гүлмехра Жўраева, қорақалпоғистонлик Мўяссар Қобулова, фарғоналик Холиқназар Жўрабоев, сирдарёлик Соҳиба Ҳайитбоева, наманганлик Хуршид Султонов, тошкентлик Шерзод Абдусаматов каби фаол каламқашлар бизнинг олтин фондими хисобланадилар. Айрим газеталар бўш ўринлари учун йиллаб кадр тополмай юрган ёки баъзи бир тахририятлар ходимларининг ўртача ёши олтишдан юқори бўлган шароитда «Huquq»-чилар малакали кадрлар тайёрлаш йўлидан собитқадамлик билан илгарилар бормоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

«Huquq» билан ҳуқуқий давлат сари!



OLII MAJLIS QONUNCHILIK PALATASIDA

ФАРМОНЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»-ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»-ги фармонлари муҳокама қилинди.

Унда сўзга чиққан қўмита аъзолари ушбу фармонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, шу жумладан, жиний жазо тизимини босқичма-босқич либераллаштириш ҳамда фуқароларнинг эрки ва шахсий дахлсизлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳимлигини аътироф этдилар.

Муҳокама давомида мазкур фармонларни ҳаётга татбиқ этишда, аввало унинг моҳиятини халқ ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли тузатишлар киритиш борасида қўмита олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритилди.

Ўз мухбиримиз

MUNOSABAT

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАНТАНАСИ

Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳаёти, унинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият эканлиги, унга таъовуз қилишга, қамситишга йўл қўйилмаслиги таъкидланган. «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»-ги Президент фармони мана шу тамойиллар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади.

Маълумки, мамлакатимизда барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни ҳам қизгин давом этмоқда. Мустақилликка эришганимиздан буён бу борада муайян ишлар амалга оширилди. «Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш

ҳақида»-ги қонун, «Судлар тўғрисида»-ги, «Прокуратура тўғрисида»-ги қонунларнинг янги тахрирда қабул қилиниши шулар жумласидандир. Президентимизнинг мазкур фармони бу борада олға ташланган яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур фармон қабул қилингунига қадар ҳам мамлакатимизда ўлим жазосини қўллаш босқичма-босқич камайитириб борилганини таъкидлаш лозим. Жумладан, мустақилликка эришган пайтимизда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларимизда ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддалар мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, фақат икки турдаги жиноят – жавобгарлигини оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазосини қўллаш амалиёти қолган эди.

(Давоми 6-бетда).

МУСТАҚИЛЛИК

400

400 - Бекам

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, ҳар бир тахририят ўзининг кучли муаллифлари билан кучлидир. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримкул Қодиров ва Ўткир Хошимов, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муҳтарам Улугова, таниқли ижодкорлар Иброҳим Фафуров, Шарифа Салимова, Хосият Бобомуродова, Ҳафиза Эгамбердиева, Абдулҳаким Матназар, Кўчкор Нарқобил, Муртозо Қаршибой ва бошқалар мустақиллики, ҳуқуқимизни улуғлаб яратган янги асарлари, оташин публицистикаси билан газетамиз саҳифаларида мунтазам қатнашиб келади. Ҳуқуқчилар мамлакатимизнинг таниқли ҳуқуқшунослари Акмал Саидов, Нуриддинжон Исмоилов, Мирзаюсуф Рустамбоев, Ҳалим Бобоевларнинг ҳар бир чиқишини зўр иштиёқ билан кутадилар.

Республика Бош прокуратураси ва унинг жойлардаги органлари масъул ходимлари қонунийликни таъминлаш юзасидан амалга оширган ишлари ҳақида, газетамиз орқали кенг жамоат-

чиликка мунтазам ахборот бериб боришмоқда.

Бу билан «Нуқуқ»нинг барча муаммолари бартараф этилган экан-да, деган хулосага келмаслик керак. Газета прокуратура фаолияти кўзгусида фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида изчил ва принципиал фаолият кўрсатмоқда. Лекин энди ҳуқуқнинг ўзини ҳимоя қилиш пайти келди. Буни газетани ҳам қўролмайдиган кучлар пайдо бўлибди-да, деб жўн тушунмаслик керак. Халқимизда, ўнга бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи, деган доно мақол бор. Аҳолиси уч миллионга етар-етмас Эстонияда ўндан ортиқ юридик журнал ва йигирмага яқин газета чиқар экан. Йигирма олти миллион аҳолиси бор Ўзбекистон учун атиги битта оммабоп юридик журнал («Qonun himoyasida») ва иккита юридик газета (республика миқёсида) ҳеч ҳам кўплик қилмайди. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ҳал қилувчи босқичга кўтарилиб, жазо тизимини либераллаштириш ўлим жазосини бекор қилиш даражасига етган шароитда ҳуқуқий нашрларнинг ўрни алоҳида

аҳамият касб этади. Чунки инсон ҳуқуқлари ва демократиядан «сабоқ» бериб юрганларнинг ўзида ҳали жазо машинаси ўрта аср усулида ишлаб турган бир пайтда Ўзбекистоннинг бу соҳадаги дадил қадамлари кимнинг ким эканлигини жаҳон афкор оммасига кўрсатиб қўйди.

Демократия экспортёрлари неча минг хил андозаларни ўйлаб топмасинлар биз ҳуқуқни бир хил тушунамиз: мустақиллик — ҳуқуқ демокдир. Мустақиллик ҳеч кимга қарам бўлмаслигини билдирса, ҳуқуқ ўз эркимизни ҳимоя қилиш учун шай турганлигимизни аниқлатади.

Одатда бекатлар аҳоли гавжум, обод манзилларда барпо этилади. Газетамизнинг ҳар бир сони ўқувчиларимизнинг қалб манзилларига маънавий ободлик, руҳий тетиклик, ҳуқуқий мардоналик олиб киришини исътиямиз. 400-бекатда чиқарган яна бир хулосамиз: Чўлпон айтганидек, кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам хур туғулгансен шюрини Ўзбекистон халқи билан мудом ёдга олиб туришдан иборат.



Ўз ўрни бор

меvasи. Иккинчи жиҳатдан ахборот воситалари қанча кўп бўлса, фикрлар ранг-баранглиги ҳам шунча кўпаяди.

Бирок масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлганидек, газета, журнал, телерадиоканаллар орасида ўта баҳана, «арзон», «харидорғир», «бозорбоп»лари ҳам урчиб кетди. Мана шундай рақобат палласида ўз қиёфасига, ўз мундарижаси, ўз позициясига эга бўлиш ва айна пайтда ўқувчиларини сақлаб қолиш мураккаб вазифа. Мен «Нуқуқ» газетасини анчадан бери қўзғатиб бораман. Унинг ўз қиёфаси бор. Ўз мавзуси, ўз муҳлислари бор. Газета дизайни ҳам ўзига хос. (Бугунги «бозор ва рекламалар» замонида бу ҳам муҳим кўрсаткич).

Иккинчи томондан газета тахририятига ҳавас қиладиган яна бир жиҳат бор. Унинг муассиси — Республика Бош прокуратураси ўз наشريга эҳтиром билан қараш, обуна бўладими, бошқа эҳтиёжлар туғилдими, керак пайтда ёрдамни аямаслигига ҳавас қиламан. Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Ҳар бир нашр муассиснинг юз-кўзи, овози ҳисобланади. Ўзини ҳурмат қилган ташкилот ўз нашини ҳам ҳурмат қилади. «Нуқуқ»нинг бу жиҳатдан бағри тўқис. Умид қиламанки, «Нуқуқ» бундан кейин ҳам ўқувчиларнинг ишонадиган наشري бўлиб қолди.

Ўткир ХОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Интизом бор жойда...

Тўғриси айтсам, «Нуқуқ» газетасининг 400-sonи чиқиши муносабати билан бўладиган тадбир ҳақидаги таклифни олганимда ҳаяжонландим. Чунки бундан роса 8 йил бун «Qonun himoyasida» журнали қошида «Нуқуқ» газетаси ташкил этилишини эшит-

ганда хурсанд бўлгандим. У пайтда компаниямиз иқтисодий фаолиятига раҳбарлик қилганим учун янги газетанинг биринчи сонининг ҳисобкитоби, нарх-навоси, рентабеллигини шахсан ўзим белгилаб берганимга боис, «Нуқуқ»нинг бугунги равақида хиссам бор деб биламан.

Босмаҳонамизда чоп этилаётган юзга яқин газета, 60 дан зиёд журналлар ичида «Нуқуқ» газетаси ҳам, «Qonun himoyasida» журнали ҳам ҳамкор сифатида шартномавий мажбуриятларни ҳамиша ўз вақтида бажариб келади. Шартномавий интизом бор жойда, иш мароми бекаму қўст бўлади. Кўп йиллик ҳамкор ва оддий бир ўқувчи сифатида айта оламнки, бу икки нашр жамоаси ўз ишининг устаси, профессионал малакали мутахассислардир. Нашрларни варақлаганда ундаги ранг-баранг мақолаларни ўқиб, ўқувчилар аудиторияси тобора кенгайиб бораётганига амин бўлиш мумкин. Президентимизнинг «Мустақиллик — бу ҳуқуқ» деган фикрини нафақат шior, балки ўз фаолиятининг мазмунини деб билган ижодий жамоани 400-довонни забт этгани билан қутлаб, кейинги фаолиятларига зафарлар тилайман.

Омонулла ЮНУСОВ,
«ШАРҚ» НМАК бош директори



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг наشري «Нуқуқ» газетасини кенг жамоатчилик қонунариимиз шарҳи, ҳуқуқ ва мажбуриятларимизнинг биллағони сифатида яхши таниб олишган. Ҳуқуқий нашрлар қаторида ушбу газета ўз нуфузи, мақолалар-

Керакли газета

нинг теранлиги, қўқур таҳлилий фикрлар ёритилиши билан алоҳида ўринга эга.

Азиз ҳамкасблар! Инсон ўз ҳуқуқларининг яхши билимдони бўлмоғи керак. Худди шунинг учун ҳам, Сиз нашр этаётган газета жамиятимиз учун ҳар қачонгидан ҳам керак.

Газета ижодий ходимларига сиҳат-саломатлик, ишларида доимо муваффақиятлар, оилаларида тинчлик-фаровонлик, фарзандлари камолини кўриш насиб этсин деймиз.

Қумрихон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси
«Автоҳамрох» журнали бош муҳаррири,
филология фанлари номзоди

СОБИТҚАДАМЛИК

Адолат яловини байроқ қилган ҳолда ўз ўқувчиларига маърифий сабоқ бериб келаётган «Нуқуқ» газетаси ижодкорларини бир нафас тўхтаб, орта боқишлари учун 400-«бекат»га етиб келганликлари билан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририяти ижодий жамоаси номидан самимий муборакбод этаман.

Газетани саҳифалар экансиз, муҳтарам президенти-мизнинг «Фирқа қарши фирқ, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан» деган пурҳикмат сўзларини тахририят қаламашлари ўз фаолиятларининг асосий мезони қилиб олганлиги чоп этилган мақолаларда ўз аксини топаётганлигига гувоҳ бўласиз. Дарҳақиқат, газетанинг жамият ҳаётида ўз ўрни бор, демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида фидокорона хизмат қилиб келаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хизматларини ёритишда, жаҳолат ботқоқига ботган инсонларнинг қилмишларини ўзгаларга ибрат бўларли тарзда баён қилиб беришда, ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қўмак берувчи ибратли материалларни бериб боришда тахририят ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан бормоқда. Ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Азиз ҳамкасблар! Ўзига хос, мўъжазгина байрамнинг муборак бўлсин. Барча эзгу тилакларимизни изох қилган ҳолда 4000-сонда кўришгунча деб қоламиз.

Эркин САТТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Бирлашган тахририяти Бош муҳаррири ўринбосари

Доимий кўмакчи

Бизнинг «Нуқуқ» газетаси билан ҳамкорлигимиз унга тама-л тоши қўйилган вақтдан бошланган. Газетада деярли ҳар йили Жиззах вилояти прокуратураси ходимларининг юзга яқин мақоласи чоп этилишидан ҳам бу ҳамкорликнинг қай даражада эканлигини билиш мумкин.

Очиги, прокурорнинг элга айтидиган дардлари кўп бўлади. Қонунийликни таъминлаш, жи-

ноятчиликка қарши курашда ҳар куни ўнлаб муаммоларга дуч келамиз. Булар орасида баъзиларнинг қасддан бошқаларнинг манфаатига зид равишда иш юртишидан тортиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти талабига жавоб бермаслигигача бўлган катта масалалар бор. Ҳуқуқий ислохотларнинг тақдири жойларда ҳал бўлаётганини эътиборга оладиган бўлсак, ўша олис жойларга прокуратура олиб бораё-

тган ишлар ва дуч келинаётган муаммолар ҳақида тезкор маълумотни факатгина оммавий ахборот воситасигина етказиши мумкин. «Нуқуқ» мана шундай эзгу мақсад йўлида бизга энг яхши кўмакчи бўлиб келган.

Янги қабул қилинаётган қонунлар ёки жойлардаги қриминал вазиятни муҳокама қилишда ҳам ушбу газетанинг ўрни бекиёс. Ўтган йиллар даво-



мида ўнга яқин қонун лойиҳасига оид элликдан ортиқ тақлиф

газета орқали муҳокамага қўйилди. Уларнинг аксарияти эътиборга олинди.

Ушбу газетанинг 400-sonи чоп этилаётганини эшитиб, тўғриси, ҳайратландим. Бир пас-да-я деб юбурганимни билмай қолибман. Ахир, кечатгина эди унинг илк сонларида чиққан мақолаларимиздан ҳайратланганмиз. Тилагим шуки, газетанинг мингинчи, ўн мингинчи сонларидан ҳам баҳра олиш ўқувчиларга насиб этсин.

Гулнора ҲАМРОЕВА,
Жиззах вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

400

БУ СИЗНИНГ «НУҚУҚ» ИНГИЗИ



Ҳаётнинг ҳар қуни байрам эмас. Лекин хоҳлаган одамга тантана қилишга арзийдиган саналар ҳам кўп топилади. Айтадилар-ку:

Илаҳат излаганга

илаҳатидир дунё,

Гурбат излаганга

гурбатидир дунё.

Ким нени истаса

топгай беғумон,

Ҳикмат излаганга

ҳикматидир дунё.

Масалан, ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, шу йилнинг май ойида газетачиликда мусахҳиҳ сифатида иш бошлаганимга ўн йил тўлди. Бугун журналист сифатида нимагаки эришган бўлсам, дўстларнинг далдаси, устозларнинг маслаҳатлари билан эришдим. Шунинг учун у қўлларни ҳамон ажиб туйғулар билан эслайман.

Булари ёзишдан мурда «Нуқуқ»нинг 400-сонини чиқиши тахририятимиз учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш эди. Аслида газетанинг ҳар бир сонини ўқувчига манзур қилиб чиқаришга матн терувчи, саҳифаловчи, мусахҳиҳ, муҳбирлару бош муҳаррирининг озмунча меҳнати сингмайди. Бундай юбилей сонларни чиқариш масъулияти эса икки баробар юқори бўлади.

Маълумотларга кўра, бугун мамлакатимизда 700 дан зиёд газета-журнал нашр қилинади. Улар орасида адабиёт мухлислари учун «Жаҳон адабиёти», футбол ишқибозлари учун «Футбол-экспресс», қайси хонанда қайси тўйда ким билан айтишиб қолганига ўхшаш шов-шувларга қизиқувчилар учун «Даракчи» сингари нашрлар бор. Хуллас, ўқувчиларда танлаш имконияти катта. Шундай бир шароитда юридик соҳага ихтисослашган газетани чиқариб, юрдошларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишга, республика прокуратура органларининг фаолиятини ёритиш орқали уларни халққа яқинлаштиришга хизмат қилаётганимиздан, турли-туман ҳуқуқбузарликлар ҳақида танқидий мақолаларни эълон қилиш йўли билан ўқувчиларнинг муаммоларини ҳал қилишга қўлдан келгунча ёрдам бераётганимиздан мамнунмиз.

Кишининг яхши-ёмон томонлари ўзига маълум бўлгани сингари газетамизнинг ютуқ ва камчиликлари ўзимиз яхши биламиз. Аммо ўқувчилар бошқача фикрда бўлиши мумкин. Уларнинг фикрини эса ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмаймиз. Шундай экан, сиз билан мулоқотимиз «Нуқуқ»нинг бундан кейинги юбилей сонларини чиқараётганимизда ҳам давом этишини истаб қоламиз.

Ҳасан НИШОНОВ,
«Нуқуқ» муҳбири

«Нуқуқ»нинг доимий ўқувчисиман. Ўқитувчилик фаолиятимда ҳам «Нуқуқ»дан кўп бор фойдаланар эдим. Ҳозир пенсиядаман. «Шўлпон» номида фирма ташкил этиб, ёшларнинг спорт билан шугулланиши учун барча қўлайликларни яратиб бердик. Соғломлаштириш мажмуамизда юзлаб ёшлар спортнинг ўнга яқин тури билан шугулланишади. Фирмамиз фаолиятида юзага келадиган иқтисодий муаммолар юзасидан бир неча бор «Нуқуқ» газетасида бериб бориладиган «Нуқуқ» маслаҳат-



Биз учун қадрли

лари» саҳифасига савол билан мурожаат қилганман. Савимли газетамизнинг беминнат маслаҳатлари кўп бор асқотган. Шу жиҳатдан ҳам газета биз учун қадрли.

«Нуқуқ»нинг 400-сонини чиқётганини эшитиб, мен ҳам қувондим. Бу ўзига хос довонга етиб келишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг замирида тахририят жамоасининг машаққатли меҳнати, тинимсиз изланишлари ётибди. Ижодкор дўстларимизга бундан кейин ҳам эл назарида бўлишларини тилаб қоламиз.

Кевлижай СИСЕНБОВ,
«Шўлпон» фирмаси раҳбари,
Беруний тумани



«Нуқуқ»нинг навбатдаги сони саҳифаланмоқда.

ДАВР КЎЗГУСИ

21-асрни информация асри дейишимиз бежиз эмас. Бугунги кун матбуоти масъулиятини ҳар доимидан ҳам чуқурроқ ҳис этиб, олдинги интиляпти десак муболага бўлмайди. Бунинг «Нуқуқ» газетаси мисолида кўриш мумкин. 400-сонини нишонлаш арасида турган газетамиз босиб ўтган шарафли йўлга назар ташлайдиган бўлсак, унда маълум бир тоифа инсонларнинггина эмас, бутун бир ижтимоий қатламнинг фикри муҳассам.

Ҳаёт рангин, синаотга тўла. Турфа инсонлар тақдирига шерик бўлиш, уларнинг шодлигига ҳасратини ҳаққоний тарзда

газета саҳифаларига олиб чиқиш тахририятдан катта масъулият ва сабот талаб этади. Зеро, ҳақ сўзни айтиш ҳар доим ҳам осон бўлавермайди.

Богбон ниҳолни қанчалик яхши парваришласа, у шунчалик гуркираб яшнайди. Газетамизнинг халқ минбари ва давр кўзгуси бўлишида тахририят ходимларидан метин ирода билан муттасил ижодий изланиш талаб этилади.

Бу йўлда уларга фақат омад тилаб қоламиз.

Адолат МУСТАФОЕВА,
мусахҳиҳ



Ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш учун курашади. Газеталар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Одамларнинг дардини айтолмаган, уларга минбар бўлолмаган нашр аста-секин халқнинг назаридан қолади. Шундай экан, журналистларнинг зиммасига улкан масъулият юклатилган дейиш мумкин.

Мана бугун «Нуқуқ» газетасининг 400-сонини чиқаришга муяссар бўлдик. Мақсадимиз халқимизнинг ўз

НИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

ҳуқуқларини мукаммал билиб олишига ҳисса қўиш, қолаверса, қонунларимизни тарғиб қилиш орқали фуқароларнинг поймол этилган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашишдир. Тахририятга ҳар қуни ўқувчилардан беш-олтитадан хат келади. Бу уларнинг бизга бўлган ишончидан дарак. Бундан кейин ҳам мана шу ишончини оқлаш учун астойдил меҳнат қилаверамиз.

Гули ХОЖИБОВА,
компютер оператори

Тўрт юзинчи дийдор



1997 йил июн ойида Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, қонуншунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармони эълон қилинди. Ушбу тарихий ҳужжат айнан «Қонун ҳимоясида» журнали тахририятида янги юридик нашр — «Нуқуқ» газетаси ташкил этилаётган бир пайтда эълон қилиниши ташкилотчиларнинг қарорини янада қатъийлаштирди.

Республика Бош прокуратураси, Тошкент шаҳри ва вилояти прокуратуралари раҳбарияти жамоанинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Ниҳоят, узоқ изланишлар мева-си, эҳтиёж фарзанди сифатида, Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги арафасида «Нуқуқ» ҳафтаномасининг нишона сони дунё юзини кўрди. Газета дастлаб 5000 нусхада чоп этилган бўлса, орадан бир йил ўтиб тиражи қарийб 5 баробар кўпайди. 1998 йилдан «Нуқуқ» Бош прокуратуранинг юридик нашрига айлантирилгач, уни вилоятларда яшовчи аҳоли ҳам ўқиш имкониятига эга бўлди.

1997 йил 29 августда парламентнинг навбатдаги сессиясида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги қарор ва унинг асосида махсус дастур қабул қилинди. Халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини ошириш вазифаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қатори ОАВ ходимларининг ҳам масъулиятини кучайтирди.

Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжатлар тахририят жамоаси учун дастуриламал бўлди. «Нуқуқ»чилар ўзлари учун белгилаб олган бош мақсад ва вазифа — ҳуқуқий жамиятни барпо этиш, қонунларга амал қилиб яшашни халқимизнинг турмуш тарзига сингдириб юбориш учун кураш — бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ўтган йилларда амалга оширилган ислохотлар, матбуотни эркинлаштириш жараёни тафаккуримизда жиддий ўзгаришлар ясади.

Жамоа жамиятнинг эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнида фаол қатнашишга бел боғлаган. Газета прокуратура ва халқ ўртасидаги ишонч кўприги бўлиб қолиш учун барча имкониятларга эга.

Ўтган йиллар давомида тахририят ҳар томонлама мустақамаланди. Ҳуқуқшунослар, жумладан, прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда ишлаш мамлакатимизда ҳуқуқий журналистикани шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Забардаст ҳуқуқшунос-журналистлар жамоаси бугун «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририятининг, унинг муҳим тармоғи бўлган «Нуқуқ» газетасининг ўзатини ташкил этади. Зайниддин Мамадалиев, Йўлдош Парда, Гафуржон Алимов, Исроил Иброҳимов, Фазилат Ёдгоровва, Абдурахмон Мустафойуллов каби журналистларимизнинг долзарб мавзудаги мақола ва очерклари ўқувчилар томонидан илиқ қутиб олинди. Бош муҳаррир ўринбосари, тажрибали қаламқаш Бахтиёр Назаровнинг «Шўхрат» медалига сазовор бўлганлиги камтарин меҳнатимизга берилган муносиб баҳодир.

Тахририят нимага эришган бўлса, бунда унинг атрофига уюшган фаол муаллифларнинг ҳам улкан ҳиссаси бор. Бугун ижодий ҳамкорларимиз сафида Ислам Жасимов, Мухтор Шодмонов, Исмаилов Йўлдошев, Довуд Маъдиев, Сафар Каттабоев каби тажрибали прокурорларнинг борлиги нашрларимизнинг мазмун-мундарижасини бойитишда, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга ҳамоҳанг қадам ташлашда катта ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда тахририят замонавий компютер техникаларига эга. Ходимларимизнинг барчаси «ақлли» машиналар билан бемалол тиллаша олади. Тахририятнинг ҳар икки ходимига битта компютер тўғри келади. Интернет тармоғига улашишимиз эса сайёрамизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ўқувчиларимизга тезлик билан етказиб беришда жуда қўл келмоқда. Тахририят бу билан қаноатланиб қолмай, интернетда ўз сайтини ташкил этди. Ҳозир www.nuquq.uz сайтида нашрларимизнинг электрон версиясини дунёнинг исталган жойидан туриб ўқиш имкони мавжуд.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура амалга ошираётган ишларни тўла қамраб олиш учун хали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушунамиз. Истиқболга йўл ҳуқуқий маърифат орқали ўтар экан, тахририят бу шиддатли жараёнда ўз овози билан фаол иштирок этаверади.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи



Саҳифаларимизда Жиззах вилояти прокуратураси органлари

га имзо чекилиши суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришларнинг мантикий давоми бўлди. Бу фармон ва қарорни амалиётга киритишда ҳам прокуратура органлари зиммасига қатор вазифалар юкланган. Таби-

ри асосида 604 нафар шахс интизомий, 932 шахс маъмурий ва 83 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилиб, 901 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди. Қонунбу-

Жиззахга узоқ вақт келмаган киши бу ердаги ўзгаришлардан хайратга тушиб, аниқ. Бизда ҳам шундай бўлди. Дид ва улугворлик билан барпо этилган ям-яшил «От-чопар»да хотирчан ўтлаб юрган тулпорлар кўнглимизга алланечук сокинлик келтирган бўлса, нарироқда барпо этилган боғдаги кўчаларнинг саф тортиб туриши эътиборни тортади. Олимпия заҳиралари спорт комплексида машқ қилаётган навқирон ёшлар олаётган завқ-шавқ бизнинг кўнглимизга ҳам кўчди. Яланғоч қоялар бўйлаб бунёд этилган «Боғишамол»нинг эстагани ювётган Сангзорсойнинг тошдан-тошга урилиб мазжланиш кўзимизни қувонтирди. Етимтоғ атрофидаги кўйилиш хавзаси, нарироқдаги амфитеатр улкан ободонлаштириш ишлари-

нинг гўзал намуналари эди. Мармар қолламалар билан безатилган «Хотира хиббони»да мотамсаро она ҳайкали пойга гул қўётган келин-куёвнинг бир лаҳзаллик эҳтироми юракнинг туб-тубидаги туйғуларни тўқилантириб юборди. Зотан, бу обод қунарларга осонликча етиб келинмаганимиз рост...

Узоқ йиллар олдин заминлик онахон Ҳалима Абдусалом кизи шундай эслаганди:

— Эртдан кечгача бугдой ўрмига мажбурлаб чиқаришарди. Бошимизда қамчи ўйнайти туришгани ҳеч кўз олдидан кетмайдди. Атроф кенг бугдойзор эди. Одамлар эса очликдан ишиги ўлишарди. Ҳеч ким юрак ютиб бир кафт бугдой кўтариб келмасди. Чарм кийим кийган кишиларнинг «халқ душмани» сифатида отиб ташлашдан

АДОЛАТГА МАСЪУЛИЯТ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

— Пулат ака, ҳозирги вақтда прокуратура олдига турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?

— Маълумки истиқлол йилларида мамлакатимизда муҳим ўзгаришлар юз берди. Прокуратура тизимининг тақомиллаштирилиши, жиноят қонунчилигининг инсонпарварлик, адолат тамойилларига, фуқаролик жамияти қадриятларига мувофиқлаштирилиши давлатимизда инсон манфаатларининг устуворлигидан далолат беради.

Жамиятни демократлаштириш, модернизациялаш, жумладан назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайитириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятининг асосийсиз чекланишига йўл қўймаслик, улар топширайдиган ҳисоботлар тизимини ихчамлаштириш навбатдаги муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ўзгаришларда, либераллаштириш жараёналарида прокуратуранинг муносиб иштирокини таъминлаш ана шундай вазифалардан ҳисобланади. Яқиндагина Президентимиз томонидан ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги ва қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга бериш ҳақидаги тарихий ҳужжатлар-

ийки, прокуратуранинг энг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунларнинг бирдай ва аниқ бажарилишига эришиш, бозор иқтисодиёти тамойилларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

— Жорий йилнинг дастлабки ортида вилоят прокуратураси томонидан сиз санаб ўтган вазифаларни амалга ошириш юзасидан қандай кўрсаткичларга эришди?

— Вилоят прокуратура органлари томонидан ўтган даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Бу йўналишда қонунчилиكنинг аҳоли ҳисобга олинган ҳолда 291 та текширишлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузарликларни бартаф қилиш юзасидан 286 та тақдимнома ва ноқонуний ҳужжатларга 289 та протест киритилди. Прокурор қарорлари ва тақдимномала-

зилишлар оқибатида етказилган моддий зарардан 75 млн. 885 минг сўми ундирилиб, жисмоний ва юридик шахслардан етказилган зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судларига 123 млн. 110 минг сўмлик 791 та, ҳўжалик судларига 938 млн. 288 минг сўмлик 65 та даъво аризалари киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 75 та жиноят иши кўзга тилиди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 201 та текширишлар ўтказилиб, улар натижасига кўра 797 та прокурор таъсир чоралари қўлланилган. Қонунбузилиш оқибатида етказилган 6 млн. 332 минг сўмлик зарар ундирилган.

— Бу олиб борилган ишлар жиноятчиликнинг камайиши тенденциясига ҳам ўз таъсирини кўрсатган бўлса керак?

— Жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти мувофиқлаштирилиб, муайян ишлар амалга оширилганиги самарасини берди. Умумий жиноятчилик шу йилнинг 1-ярида 2,1 фоизга камайди.

Прокуратура органлари томонидан 515 та жиноят юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб боририлиб, уларнинг 289 таси судларга юборилган. Аниқланган 601 млн. сўмлик зарарнинг 491 млн. сўмдан

ортиги ундирилиб, қолган қисми бўйича судларга даъво аризалари киритилган.

Амалга оширилган ишлар бир мақсадга — халқимизнинг бахт-саодатини таъминлашга қаратилган. Мустақиллини мустаҳкамлаш йўлида прокурор-тергов ходимлари бундан кейин ҳам масъулият билан иш олиб бораверади.

КИШИЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛДА

Вилоят прокурори қабулдан чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-

ликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимига кирдик. Бўлим бошлиғи Чингиз Ёсиргапов тадбиркорларни қабул қилаётган экан. Бир оздан сўнг суҳбатимиз қизиқ кетди. Баҳс орасида у киши сўхат-саломатлик йўлига оид фикрларини баён қилди.

— Яшаш, таълим олиш, меҳнат қилиш ҳуқуқлари қатори кишиларнинг даволаниш ҳуқуқи ҳам дунё микросида устувор деб эълон қилинган. Бинобарин, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар қўлимни кенгайтириш аҳолига муносиб шароит яратибдиқ деб эълон қилинган. Вилоятда 57 та шифохона,



Ч.Ёсиргапов фуқарони қабул қилиш вақти.

Ташаббускорлик зарур



Яқинда Фориш туман прокуратураси муассислигида «Нидиқ ва ҳаёт» номли газета чоп этила бошланди. Дастлабки сонлариданқоз газетанинг адади 2000 нускага етди. Жиззах вилояти ҳудудининг етмиш фоизидан ортиқ қисми ушбу туман ҳиссасига тўғри келиши, аҳолининг тарқоқ жойлашганлиги ҳисобга олинса, янги ташкил этилган газетанинг ҳақиқатан ҳам бу ерда эҳтиёж борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Умуман қандай шаклда бўлмасин тарғибот ишларига зарурат ҳудудда қонунларнинг ижроси қай аҳолидалигидан келиб чиқади. Қонун устуворлигини таъминлаш турли самарали усуллардан фойдаланишни тақозо этади.

Дастлавлар тумандаги қонунчилик аҳолига тўхталиш ўринли бўларди. 2005 йилнинг дастлабки олти ойида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоизга камайган. Бунда тарғибот ишларининг аҳамияти катта. Айниқса, прокуратура ташаббуси билан турли учрашувлар, семинарларнинг ташкил этилиши ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг 1-ярида прокуратура

ташаббуси билан ташкил этилган тадбирлар сони 117 тадан ошиб кетди.

Қонунчилик аҳолини яхшилашнинг яна бир йўли ижтимоий муаммоларни яхшилашга қўмаклашишдан иборат. Туман прокуратураси ташаббуси билан бир неча бор меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Апрель ойида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида тумандаги 23 та қорхона 74 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Унда икки юздан ортиқ фуқаро иштирок этди. Улардан 50 нафари иш билан таъминланди.

Меҳнатга оид қонунчилик ижроси ўрганилганда ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақини ўз вақтида берилишини таъминламаган 16 нафар мансабдорга нисбатан маъмурий жавобгарлик иши кўзга тилиди. 602.000 сўмлик иш ҳақини ундириш ҳақида 10 та даъво аризаси киритилди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра 55 та протест, 39 та тақдимнома киритилган, 114 нафар шахс огоҳлантирилиб, 36 нафар шахс интизомий, 118 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Текширишларда 1030,0 минг сўмлик зарар ундирилиб, 1362,0 минг сўмлик зарарни ундириш ҳақида 25 та даъво аризалари киритилган. 3 та жиноий иши кўзга тилиб, айбдорлар жавобгарликка тортилди. Олиб борилган прокурор таъсир чоралари қонунбузилишларни бартаф этишда аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Бахтёр АРАЛОВ,
Фориш туман прокурори
СУРАТДА: Б.Аралов фуқаролар билан «Нидиқ» газетасининг навбатдаги сонини муҳомада қилмоқда.

Кишлоқ ҳўжалигида тадбиркорликнинг янги шакли сифатида ўз ўрнини топиётган фермер ҳўжаликларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш Зафаробод туман прокуратураси фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда.

Ҳуқуқлар тикланди

«Худоёрхон» фермер ҳўжалиги раҳбари З. Давлетова туман ҳокимлиги томонидан унга қарашли 12 га ернинг ноқонуний равишда олиб қўйилганлиги ҳақида ариза берган эди. Текширишда ушбу ерни захира фондида ўтказиш тўғрисидаги қарорга фермер ҳўжалигига мутлақо алоқаси йўқ. Худоёр Тожиевнинг аризаси асос қилиб олинганлиги маълум бўлди. «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунда ер участкасининг ўлчами ва чегаралари раҳбарининг розилигисиз ўзгартирилмаслиги белгиланган. Ҳокимнинг қарори бекор қилиниб, ер эгасига қайтарилди.

Зафаробод дон қабул қилиш шохобчаси мутасаддилари «Боботой», «Панжағуш» ва бошқа фермер ҳўжаликларида тегишли 2.578.991 сўмлик 37.720 килограмм озқуқани тарқатмай, талон-тарож қилишган. Шохобча мудири А. Зияев ва бош ҳисобчи Д. Ҳолиқовлар 2004 йил галла ҳосилидан чиқарилган 55.031.000 сўмлик 900 тонна омухта ерни ўзлаштиришган. Жиноий қилмишларини ашириш учун улар 40 та фермер ҳўжалигига қалбаки ҳўжатлар асосида озқуқ маҳсулотларини чиқим қилишган. Туман прокуратураси томонидан ушбу ишга ҳам қонуний чора қўрилди.

Туман «Ёнгинга қарши кураш» жамиятида фуқаро Р.Маҳмамовнинг ҳуқуқларига «сал бошқачароқ» муносабатда бўлишган. Жамият раҳбари М.Ҳолмуродов унинг 73.289 сўм иш ҳақини тўлов қозонига имзо қўйиб ўзлаштирган. Туман прокуратураси ушбу ноқонуний ҳаракатга тегишли чора қўриб, етказилган зарар ундирилди.

Омон ХУДОЙКУЛОВ,
Зафаробод туман прокурори

қўқардик. Халқ оч бўлсада, қоп-қоп галла поездга ортиб кетиларди. Ҳар замонда бир зогора нон тарқатиларди, холос. Ана шундай кунларда отамни қулоқ қилишди. Бор-будимизни таллашиб, ўзимизни саргардонликка гирифтор қилишди. Қишлоқдаги ҳар ўрта оиладан биттаси мана шундай қулоқдан жабр чеккан эди. Ушанда онам мени ўзига тўқ бир оилга чиқарди. Бу ерда ҳам мана шундай таълимнинг ўртасига тушиб қолдим. Эрим «Тоштурма»га олиб кетилган укаси Ҳотамбойнинг ортидан узоқ вақт катнаб, охири унинг отиб ташланганлиги ҳақидаги бир варақ қозоғга эга бўлди, холос.

Таасуфки, Жиззах осмонини момоқалдиқли қора булутлар қоплаган, халқнинг гурури ва эрки-га тажовуз қилинган мана шундай

кунлар тарихда исталганча топилади. «Оқ подшо»нинг «туземец» дея тамгаланганларни мардикорликка олиб кетишига қарши шахар аҳлининг қўрсатган матонати халқимизнинг озодлик учун кураши тарихида зарҳал ҳарфлар билан битилган. Уша машум сибсатнинг энг кўп жабрдийдалари ҳам ҳокисор оналар бўлган. Отилган, осилган, «сибир» қилинган фарзандлари ортидан армон билан кўз юмганлар ҳам ўшалар. Фарзандлари ҳарбийдан ўлиб келган, тобут ичидаги бир қоп тузни «болам» деб кучган, ўша тобутни очиб кўришга ҳам аллақайси идоралар олдида рухсат сўраб сарғайиб турган ҳам мана шу жафокаш оналаримиз бўлади. Чек-чегарасиз пахтазорлар устидан «бутифос» деб аталган ажал уруғини бамайлихотир се-

пишга буюрган, боласини йўргани билан омонатгина сояга ётқизиб қўйган оналарнинг эрта зомин бўлган умрлари учун ўша замон арбоблари тарих олдиди тозабд жавобгардилар. Мана шу ҳаёллар билан Жиззах вилояти прокуратурасига етиб келганимизни сезмай қолибмиз. Бу ердаги дўстларимизни қизгин иш устида учратиб асло ажабланмадик. Айнан ўша пайтда 2005 йил олти ойлик якунлари чиқарилган, ютуқлар ва муаммолар сарҳисоб қилинаётган экан. Жамиятдаги ўзгаришларнинг марказида ҳуқуқий ислохотлар турганлиги, табиийки шиддатли жараёнларда прокуратура ўзига хос ўрни тутаётганлигига Жиззах вилояти прокурори Пўлат Назаров билан суҳбатимизда яна бир ишонч ҳосил қилдик.



Вилоят олимпия заҳиралари спорт комплекси.

Юксалиш демакдир

12 та туман ва 1 та шахар марказий касалхонаси мавжуд. Ундан ташқари 221 та поликлиника, 136 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатади.

Вилоят солиқчилиги сақлаш муассасаларида олиб борилаётган ижобий ишлар билан бирга танқид қилишга арзийдиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, Зомин тумани марказий шифохонаси ходимлари маҳсус кийим-бош билан таъминланмаган, шошилинч тез тиббий ёрдам марказидаги 20 ўринга мўлжалланган палаталарда 27 нафар, жарроҳлик бўлимида 25 ўринда 32 нафар беморлар даволанмоқда. Жарроҳлик бўлимидаги санитария хижоэлари талаб даражасида эмас.

Жиззах тумани марказий касалхонаси, акушерлик комплекси, «Иттифок», «Қангли», «Тоқчилик» номли қишлоқ врачлик пунктларида экология нормалари бузилганлиги аниқланди.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш одадга айланган. Бироқ Янгибод тумани

марказий касалхонаси бош врач Х.Назарқулов бир неча нафар никоҳланувчилар ОИТС ва тери таносил касалликлари бўйича текширувдан ўтмаган бўлсада, уларга соғломлиги бўйича хулоса бериб юборган. Бундай кўзбўямачиликка шу касалхона хирург У.Нормаҳматов ҳам йўл қўйган.

Баъзи шифохоналарни дори-дармон ва бошқа зарур буюмлар билан таъминлашда талон-тарожлик ҳолатлари аниқланган. Фаллаорол тумани марказий касалхонасининг дори-дармон ва бошқа моддий бойликларни ўзлаштиришган.

Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 24 та тақдимнома, ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисида 3 та протест киритилиб, 188 нафар шахсга нисбатан маъмурий, интизомий ҳамда моддий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди.

Қишлоқда ислохотлар қандай кечмоқда?

— Нима учун қишлоқ ҳужали-

гидаги ислохотларни чуқурлаштириш учун айнан прокуратура идораларига катта масъулият юкланган?— сўрадим навбатдаги суҳбатдошимиз Жиззах вилояти прокуратураси қишлоқ ҳужалигига оид қонуналар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи Нихолбой ака Норбоевдан.

— Дастлаб битта муҳим нарсани таъкидлашликнинг илоҳи йўқ. Қишлоқ ҳужалигидидаги ислохотларнинг тақдири барча соҳалар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунини мамлакатимиз иқтисодиётида аграр соҳанинг устуворлиги ва аҳолининг аксарият қисми қишлоқ жойларида яшаш билан изоҳласак хато қилмаймиз. Қишлоқда узоқ йиллар ҳукмрон бўлган маъмурий бошқарув тизимига оид муносабатлар бу ердаги ислохотларни чуқурлаштиришга ҳамон тўсқин бўлаётлиги учун ҳам прокуратуранинг назорат фаолиятини кучайтиришга қарор қилинди.



Нихолбой Норбоев иш устида.

ўзлаштиришларга йўл қўймаслик, дебитор ва кредиторлик қарздорликни бартараф этишга қўмаклашиш. Энг муҳими фуқароларнинг ерга ва мулкка эгалик ҳуқуқини таъминлаш.

Афсуски, олиб борилаётган шунча ишларга қарамай ҳамон экин майдонларига шартномада кўзда тутилмаган экинларни экиш ҳолатлари учраб турибди. Масалан, Зомин туманидаги «Ғиёс» фермер ҳужалиғи раҳбари ўзига тегишли 33 гектар ернинг 17 гектарига полиз экинларини экиб олган. Натижада шартномага биноан 8020.0 минг сўмлик 40,1 тонна пахта етиштирилмай қолган. Худди шундай ҳолатлар Зар-

бдор туманидаги «Ғайратли деҳқон» фермер ҳужалиғи раҳбари Б.Ҳожиёв томонидан 7,9 гектар, «Тархон» фермер ҳужалиғи раҳбари Б.Боймуродов 3,1 гектар ерга шартномада кўзда тутилмаган экинлар экилган.

Ширкат ҳужалиқларини тугатиб, фермер ҳужалиқлари ташкил этишда қонунийликни таъминлашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Янги ташкил этилган фермер ҳужалиқларининг 1810 таси 87.476 гектар ери билан пахтачиликка, 9 таси 717 гектар ери билан сабзозчилик ва полизчиликка, 263 таси 2299 гектар ери билан боғдорчилик ва узумчиликка, 20 таси 1140 гектар ери билан чорвачиликка ихтисослашган. Тугатилаётган ширкат ҳужалиқларининг 128 млн. сўмлик дебиторлик қарзи тўлиқ, 6 млрд. 443,9 млн. сўм кредитор қарзидан 5 млрд. 949 млн. сўми ундирилган.

Бозор иқтисодиётининг талабларини тўлиқ англаб етмайлабган шахслар томонидан талон-тарожчиликка йўл қўйилаётганлиги ачинарли ҳол. Масалан, «Қишлоқ ҳужалиқимиз» муассасаси мансабдорлари томонидан ўтган йилнинг олти ойида 70 тонна 11,8 млн. сўмлик минерал ўғит ва кимёвий воситалар талон-тарож қилинган. Буларнинг барчасига қонун йўли билан баҳо берилди.

Вилоят прокуратурасидан чиқар эканмиз, ўз касбига фидоий ва масъулиятли инсонларга куч-қувват, шижоат талаб улар билан хайрлашдик.

«Ҳуқуқ» муҳбири
Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ
тайёрлади



Истироҳат боғининг юқоридан кўриниши.

Истиқлол йилларида қонунчилигимизга киритилган энг катта янгилликлардан бири шубҳасиз жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши бўлди. Ҳаров, ярашиш институтлари амалиётда кенг қўлланилмоқда. Жазодан мақсад қасд олиш эмаслиги, шахснинг қилган ҳаттоси ва айбини ювишга инсон берилиши таъминли мана шу йўл билан исботланди. Фаллаорол туманида жорий йилнинг ўзиде 25 та жиноят иши «яхшилик билан» тугади. Умуман дастлабки ерим йилликда 115 та шахсга нисбатан 98 та жиноят иши кўрилганлиги, улардан 25 нафарига нисбатан мана шундай енгиллаштириш берилганлиги ижобий ҳол.

Ярашиш — ўзлашимизга хос қадримиз

Фаллаорол туманида яшовчи фуқаролар Муҳаммад Аҳмедов ва Пўлат Эшпўлатовлар ўртасида ўзаро «олди-берди» бор эди. П. Эшпўлатов қарзга олган 100 минг сўмидан 70 минг сўмини қайтариб, қолгани «осилиб» турганди.

М.Аҳмедов 2005 йил 29 март куни тушга яқин шахар марказидаги стадионга келди. Бир оз «отиб олгач» таниши Пўлатни кўриб қолди. 30 минг сўм пул эсига тушиб, Пўлатга «қачон берасан» деб қис-таланг қилади. «Эрта-индин бераман» деган жавобни эшитган Муҳаммад Пўлатнинг машинасига ўтириб олади.

— Укамниқига олиб бориб ташла, — дейди у бамайлихотир.

Манзилга етиб келгач, қачон қарзни тўласанг шунда машинадан тушаман, дея туриб олади. Ўртада жанжал чиқди. М. Аҳмедов тош билан уриб, тегиб Пўлатга енгил тан жароҳати етказди. Яхшиям М.Аҳмедовнинг укаси Мансур келиб қолиб, уларни ажратади. Жиноят ишлари бўйича Фаллаорол туман

судига жиноят иши кўриб чиқилди. Суд мажлисида жабрланувчи П.Эшпўлатов даволаниш учун кетган харажатларни М.Аҳмедов қоплаганини, ўзаро ярашув бўлганлигини маълум қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишликни ва айбланувчини жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўрайди. Суд ушбу муножаатни эътиборга олиб томонларга ажрим чиқаради.

Худди шундай ҳолат чойхонада ўзаро жанжаллашиб қолишган К.Мирзобоев ва С.Шербековларга нисбатан ҳам қўлланилди. Йигитчасига муштлашишган икки азаматни ажратиб қўядиган киши бўлмаган. Натижада К.Мирзобоев С.Шербековга тан жароҳати етказди. Лекин у ўзига келгач, қилиб қўйган ишдан пушаймон бўлади. Суд жараёнида у дўстидан кечирим сўрайди. Суд уларнинг ўзаро ярашганлигини эътиборга олди.

Улугбек РАҲАБОВ,
Фаллаорол туман прокурори

TV SHARH

Шу йилнинг 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган террорчилик хуружлари кўпчилигининг мазкур ҳаракат иштирокчиларига нисбатан нафратини оширди. Орадан ўтган 3 ойдан кўпроқ вақт мобайнида мақсаднинг тайини йўқ террорчиларнинг қилмишлари тергов материаллари билан анча ойдинлашди. Террорчилик ҳаракати иштирокчиларининг ваҳшийликлари ЎзТВ каналлари орқали намойиш этилган бир қатор филмларда ўз аксини топди. Воқеалар жараёнида ва ундан сўнг суратга олинган тасвирлар ҳар қандай кишини ҳам ўйлатмасдан қўймайди.

Мазкур воқеалар тафсилоти га бағишлаб Ўзбекистон Бош прокурори Рашидхон Қодировнинг ғояси асосида тайёрланган бир қатор ҳужжатли филмларда террорчилик ташкилотчилари ва ижорчиларининг қилмишлари реал воқелик билан анча ойдинлаштирилди. Филмларни мукамаллаштиришда Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Анвар Набиев, бошқарма бошлиғи Юсуф Ғоиповларнинг ҳам фикрлари асос қилиб олинди. Энг муҳими, мазкур филмлар илк бор тўлалигича Бош прокуратуранинг техник имкониятларидан фойдаланиб тайёрланди. Уларни тайёрлашда юзлаб тергов ва терговолди ҳаракатлари акс этирилган кассеталарни синчилаб кўриб чиқиш ва танлашга тўғри келди. Бунда Бош прокуратура бўлим бошлиғи Светлана Ортикова ҳамда Андижон вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси Насрулла Жўраевнинг хизмати катта бўлганини таъкидлаш жоиз. Зеро, бу жараён тасвирга олишдан олдинги ва тасвирга олиш ҳаракатларининг уйғунлиги учун муҳим эди. Тасвирдаги ҳаракатларнинг мусиқа ва овозга мос келишини таъминлаш унинг монтажда бевосита иштирокчи вазифасини ўтаган Владимир Мисиндан катта маҳорат талаб этди.

тайёрлашда эътиборни жалб этган баъзи ҳолларга диққатни қаратайлик. Юқорида айтганимиздек, филмда гувоҳ тариқасида сўроққа жалб этилган фуқароларнинг сўзларини ҳам тинглашга тўғри келди. Жабранувчи Зиёда Мўминовани ўша машъум кунлари террорчилар мажбурлаб гаровга олишди. Жабранувчи ўз сўзида тер-

бий экспертиза хулосасига кўра террорчилар гаровдагиларга нафақат жисмоний, балки руҳий таъсир ҳам кўрсатишган. Андижон вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи Аҳмадулла Йўлдошевнинг сўзларига қараганда, руҳий азоб гаровдагиларга шунчалик оғриқ берганки, айримлари ҳатто террорчиларга бундан кўра

шериклари билан галдаги қонли ҳаракат режасини тузганликлари тасвирларда акс этган.

Ёшларни турли ғоялар билан чалғитишга уриниш, уларнинг кўлига қурол тутқазиб ўзини панага олиш террорчиларнинг ҳийласидир. Ҳасан Шокиров ва Адҳам Дадабоевга ўхшаш ёшлар ана шундай найрангга учиган эди.

Ҳасан ўз сўзида ёшларни алданиб тур-

кўлга қурол олиб ҳаракат қилган террорчилар ҳам мурожаат этган. Касб этикаси юзасидан шифокорлар барчага бирдай хизмат кўрсатдилар. «Қабоҳат»нинг кейинги қисмларида эса шифокорларнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлганларнинг қилмиши янада ойдинлашган.

Маълумки, айрим хорижий оммавий ахборот воситалари террорчилик ҳаракатлари содир этилган кун воқеаларни чигаллаштириш, шу орқали дунё жамоатчилигини чалғитишга ҳам уриндилар. Ҳужжатли филмни тайёрлашда шу нарсасига амин бўлдики, ўша машъум кунларда видеокамера ёки фотоаппарат кўтариб Андижонда пайдо бўлган хорижий ОАВ вакиллари гаровдагиларнинг тақдирини умуман қизиқтирмаган. Бу ҳолат ана шундай муҳбирларнинг видеотасмаларида ҳам, террорчилардан олинган кассеталарда ҳам мавжуд эмас. Буюртма асосида маълумот тарқатган муҳбирлар озгина инсоф билан иш туттишганда эди, ҳеч бўлмаса бир марта гаровдагилар билан суҳбат курган бўлур эди... Ёнган бино, иншоот ва машиналарнинг ўрнини тўлдириш мумкин. Аммо қалб жараҳати, тинч аҳолига нисбатан қилинган қабоҳатни қандай мезонлар билан ўлчаш мумкин? Ҳар бир ҳолатга қонуний ва асосли баҳо берилишига шубҳа йўқ.

Умуман, мазкур филм кўпгина хорижий давлат томошабинларини ҳам қизиқтирмади. Шу йилнинг 10 август кунини мазкур филм Ҳиндистонда ўтказилган Марказий Осиё сиёсатчиларининг халқаро анжуманида намойиш этилди. Ҳозирги кунда «Қабоҳат»ни рус ва инглиз тилларига таржима қилиш ишлари бошлаб юборилган. Шубҳа йўқки, реал во-

Тасвирдаги



«ҚАБОҲАТ»

рорчилар ортга қайтмаски бўлганларни отиб ташлаганликларини йиғлаб сўзлаб берган. Жирканч қиёфа ортида жиноятчилар бировнинг чўнтагига қўл солиб, тажовуз қилганликлари ҳам гаровдагиларнинг сўзларида акс этган. Гаровга олинган Қодирхон Эргашевнинг бармоғидаги узукни террорчилар жабранувчининг ўзидан ечиб беришини талаб қилишди. Жиноятчилар гаровдагиларнинг чўнтақларидаги пули, ҳатто дастурмолларига ҳам тортиб олишди.

На исломдан, на дуневий таълимдан хабардор тўда аъзоси Фу-

отиб юрганларининг маъқул дейишган. Кўзи қонга тўлган террорчиларнинг бундай ҳаракатларига наркотик модда истеъмол қилиб олганликлари ҳам сабаб бўлгани гувоҳ ва жабранувчилар ҳамда террорчиларнинг ўз сўзларида баён этилган.

Филмдаги воқеалар тафсилоти шундан дарак берадики, террорчилар ўта оғир жиноятларни содир этиш учун узок вақт мобайнида мамлакатимиздан ташқарида тайёргарлик кўришган. Ажабланарлиси, ҳарбий тайёргарлик нафақат пана-пасткам жойларда, балки қўшни давлат ҳудудидаги маърифат ва спорт масканларида ҳам амалга оширилган. Бунга изоҳ ортқича. Қўшни давлат Ҳажонгир Бурхон, Лочин Имомқуловларнинг сўзларини эшитган томошабин террорчилар минтақада вазиятни беқарорлаштиришни мақсад қилганига амин бўлади.

Тергов материалларидан шу нарсаси ойдинлашганки, террорчилик ҳаракатининг ташкилотчилари томонидан 13 май воқеаларида фойдаланиш учун жиноий уюшманинг маблагига олдиндан бир қанча қуроллар сотиб олинган. Улар қонли тундан бир неча кун аввал чегарадан яширинча олиб ўтилган. Маълумотларга кўра, шунингдек, ҳокийлар ажратган маблагларга воқеаларда фойдаланиш учун бир қанча уяли алоқа телефонлари, кўплаб автомашиналар харид қилинган.

Жиноий тўдада «генерал» лақаби билан ҳаракат қилган Аваз Турғунов ҳокимият биноси олдида

ли оқимларга қўшилиб қолмасликка, катталарни эса уларнинг тақдирига бефарқ бўлмасликка чакиради.

Террорчилар атрофига тўплан-



ган кимсаларга фақат қабоҳат орқалигина ҳаракат қилиш лозимлигини қайта-қайта ўқитганлар. Бундай ҳаракатнинг оқибати юртимиз тинчлигига раҳна солиш, Ўзбекистонда халифалик ўрнатишдан иборат эканлиги белгилаб олинган. Гаровда бўлган Раҳимжон Қурбанов ўша кунги фожеаларни нафрат билан эслайди. Бу юртда фарзандларимиз улғайиши керак, уларнинг биз билан бир жойда нафас олишга ҳаққи йўқ, дея фикр юритади жабранувчи.

Май воқеалари вилоят шифокорларини ҳам катта синовдан ўтказди. Шу кун шифохонага нафақат яраланган аҳоли, балки

келикин ўзида акс эттирган тасвирлар ҳар қандай томошабинда Андижондаги воқеаларга нисбатан соғлом қарашларни шакллантиришга хизмат қилади. Биз олдимизга қўйган мақсад ҳам шундан иборат эди.

Тоҳир САИДБОБОВ,
Дилмурод ЭШМУРДОВ,
Филм ижодкорлари,
«Qonun himoyasida» бирлашган
тахририяти телегуруҳининг
ходимлари



Ҳар бир тасвирнинг сифатида элементлар уйғунлиги унинг хизмати самарасидир.

Филмни яратишда Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходимлари ҳам ёрдам кўрсатишди.

Келинг, энди «Қабоҳат»ни

лом Нодировнинг қилмишлари томошабиннинг нафратини оширади. Видеотасвирда бу террорчи хизмат вазифасини бажараётган милиция ходими Тоҳир Манноновга нисбатан қандай зўравонлик қилаётганлиги акс этган. Суд-тиб-

PS. Филмни тайёрлашда террористлардан олиб қўйилган тасвирлардан фойдаланилган.

